

Мамлакатимизда

● **Кеча** Олий Мажлисининг Аграр-сув ҳўжалиги ва озик-овқат масалалари кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● **Кеча** Олий Мажлисининг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари кўмитасида бўлиб ўтган йиғилишда «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги Қонуннинг Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида баҳарлиши ҳамда «Интеграл микросхемаларнинг топологияларини ҳўқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва «Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида»ги қонулар лойиҳаси муҳокама қилинди.

● Республика Миллий матбуот марказида «Эко-сан» халқро жамғармаси, қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилик, Давлат ветеринария бош бошқармаси ҳамкорлигида бугунги кўнда Европа мамлакатларида кенг тарқалаётган оқсил касаллигининг олдини олиш масаласига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

● «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида АҚШ Олий ислом кенгаши вакилларидан иборат делегация аъзолари иштирокида бизнес-семинар бўлиб ўтди.

● **Кеча** мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ Олий ислом кенгаши раиси Муҳаммад Хишом Каббоний ҳамда дунё Нақшбандия тариқати издошларининг раҳнамоси шайх Муҳаммад Нозим Одил Ал-Хаққоний бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Вазирилар Маҳкамаси ҳўзуридаги Дин ишлари бўйича кўмитага ташриф буюрди.

● Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Германия Федератив Республикасининг Бавария замини лантдаги (парламенти) делегацияси Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

● Урганчада бозорлар сони яна биттага кўпайди. Шаҳарнинг энг қулай майдонида иккита ёпиқ ва битта очиқ павильонларидан иборат бўлган марказий бозор фойдаланишга топширилди.

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Хабар қилинганидек, 4 апрель кўни Президентимиз Германияга сафари давомидаги энг муҳим учрашувлардан бирини ўтказди. Давлатимиз раҳбарининг маъмур мамлакат Федерал Канцлери Г. Шрёдер билан бўлган мулоқотида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболдаги барча йўналишлари бўйича кенг фикр алмашилди. Жумладан, ўзаро иқтисодий-сиёсий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда хавфсизлик, халқро террорчилик ва экстремизм, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш билан боғлиқ масалалар муҳокама мавзуси бўлди.

Ислом Каримов Берлиннинг бошқарувчи бургомистри Э. Динган билан қилган суҳбатда эса биродарлашган икки шаҳар — Тошкент билан Берлин ўртасида иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳалардаги алоқаларни янги босқичга кўтариш ҳўсусида сўз борди.

Давлатимиз раҳбари ГФР Бундестаги раиси В. Тирзе билан ўтказган учрашувда мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик, депутатларнинг ўзаро мулоқотларини кўпайтириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Шу кўнингн ўзида Ислом Каримов Берлиндан Дрезденга келди. Шаҳар аэропортида давлатимиз раҳбарини Саксония федерал ерининг давлат иқтисодий ва меҳнат вазири К. Шоммер кўтиб олди. Оқшом Саксония Бош вазири К. Биденконф Ислом Каримов ва рафиқаси шарафига расмий қабул маросимини уюштирди.

Президентимизнинг «Инфенон» юқори технологиялар корхонасини бориб кўриши, «Ман Такраф» компанияси директорлар кенгаши раиси Р. Каргер билан учрашиши қўтилмоқда.

9 апрель — Амир Темурут таваллуд кўни



Соҳибқирон сабоқлари

Мустақиллик йилларида неча минг йиллик тарихга эга ўттиримиз, миллий кадриятларимизга мўнасабат ўзгарди. Буюк аждодларимиз, ҳўсусан, соҳибқирон Амир Темурут номи тикланди, ул зотнинг муборак таваллуд санаси дунё мўқбсиде кенг нишонланди. Айниқса, миллий гуруризмнинг янада юксалиши, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни-мизни топишимизда давлатчилигимиз буюк асосчиларидан бири Темурут бобомизнинг маънавият борасидаги сабоқлари беқийс бўлди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган Амир Темурут номидаги Халқро хайрия жамғармаси Темурут ва теурийлар тарихи, ўша даврга оид илмий, маънавий ва маданий меросни ўрганиш ва халқимиз, ҳўсусан, ёшлар орасида тарғиб этиш, йигит-қизларни қўнча тарихимизга ҳўрмат руҳида ва миллий истиқлол мафқураси фўялари асосида тарбиялашда хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Ҳозир жамғарма бўлимлари юртизмизнинг барча вилоятларида, шунингдек, Покистон, Қозогистон, Қирғизистонда фаолият кўрсатмоқда. Айни вақтда Миср, Туркия, Хитой, АҚШ, Германия, Саудия Арабистони каби давлатлар элчионалари билан маъмур мамлакатларда ҳам жамғармининг бўлимларини очиш ҳўсусида музокара-лар олиб боришмоқда.

Жамғарма ҳўкуматимизнинг узюқ ўттишимиз, бой тарихимиз, миллий кадриятларимизни холисона тиклаш сийёсатини амалга оширишда самарали иш олиб бормоқда.

Жамғарма ҳўмийлигида Соҳибқирон ва теурийлар даври тарихига оид эзма ёдгорликларни ўрганиш, халқ орасида тарқалган ривоятларни тўплаш, муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларни аниқлаш, қадимий макбаралар устидаги хотира ёзувларини тадқиқ қилиш учун илмий экспедиция ташкил этилди.

Шуниси эътиборлики, Амир Темурут ҳазратлари ҳўётига оид чўқур ва батафсилроқ маълумот йиғиш борасида хорижлик етўқ олимлар ва жамоат арбоблари билан илмий-ижодий мулоқотлар самарали кечмоқда.

Бугунги кўнда бой миллий тарихимизни, буюк аждодларимиз ҳўёти ҳақидаги бор ҳақиқатни бутун жаҳонга рўй-рост кўрсатиб бериш алоҳида аҳамиятга молик масалалар. Шу боис жамғарма «Турон» илмий кутубхонаси билан ҳамкорликда буюк бобоконилимиз ҳўёти ва фаолиятига оид «Интернет» саҳифасини тайёрлагани алоҳида таҳсинга лойиқдир. Саҳифа материаллари ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланди, ундан Амир Темурут ва теурийлар тарихига оид қизикarli маълумотлар, жамғарма фаолияти билан боғлиқ лавҳалар ўрин олган.

**Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.**

5 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ГФРга расмий сафарининг сўнгги кўнини Дрездендаги «Мовий гўмбаз» музейини томоша қилишдан бошлади. Бу музей дунёдаги энг бой маданият қўшоналаридан бири бўлиб, унда жуда кўнлаб ноб ёксонатлар йиғилган. Давлатимиз раҳбари улар орасида, айниқса, Бобурийлар сулоласига мансўб ёксонатни катта қизиқиш билан томоша қилди. Минглаб қимматбаҳо тошлар билан безатишган бу сўнъат асарни тилда ва қумшдан ишланган бўлиб, унда Аврангзёб ҳўзуридаги қабул маросими ақд эттирилган.

Ислом Каримов «Сименс» гуруҳининг «Инфенон технология» тармоқ компаниясига қарашли корхонаси фаолияти билан танишди. Бу ерда юқори технологияга асосланган электрон жиҳозлар, асосан, компьютер, принтер ва шу каби ускуналар учун чип ва микрочиплар ишлаб чиқарилади. Бу жиҳатдан у дунёдаги энг замонавий корхоналардан ҳўсбланиди. Президентимиз компания раҳбарлари билан мулоқот чоғида Ўзбекистонда ҳам шундай корхона қуриш учун етарли шароит ва мутахассислар борлигини айтиб, уларни бу имкониятдан фойдаланишга ундади. Шу кўни Германиянинг «Ман-Такраф» фирмаси давлатимиз раҳбарини жойлашган «Кемпински» меҳмонхонасида ўзининг тақдирот маросимини ўтказди.

Шу билан Ўзбекистон Президентининг ГФРга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Мамлакатимиз раҳбарининг бу сафари жуда самарали бўлди. У турфа учрашув ва фойдали мулоқотларга бойлиги билангина эмас, балки фан-техника, автомобиль транспортда юк ва йўловчи ташиш, наркотик моддалари контрабандасига қарши кураш, банк иши, сайёҳлик соҳаларида ҳамкорликни кўзда тутувчи талай ҳўжатлар имзолангани билан ҳам икки мамлакат ўртасидаги азалий алоқалар тарихидан мустаҳкам жой олиши, шўбҳасиз.

**(ЎЗА).**

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

**Дастурлар қандай бажарилмоқда?**

**КЕЧА** Тошкент шаҳар ҳўқимлигида ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2001 йил 15 февралдаги «Она ва бола» давлат дастури ҳамда шаҳар ҳўқимининг шу йил 13 февралдаги 58-сонли «Она ва бола» ҳудудий дастурининг бажарилиши муҳокама қилинди. Йиғилишни шаҳар ҳўқимининг ўринбосари Эркин Эрназаров олиб борди.

Шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари М. Содиқова ушбу тизимда йилнинг биринчи чоғида «Она ва бола» Давлат ва ҳудудий дастурларининг бажарилиши борасида қилинган ишлар, ҳўсусан туғиш ёшидаги аёлларни текширувдан ўтказиш ва уларни соғломлаштириш, ёш келин-кўвдалар соғлиқларини текшириш, ногирон болаларни соғломлаштириш, хавфсиз эмлаш юмушлари қандай амалга оширилаётгани тўғрисида маълумот берди.

Шунингдек, Шайхонтоҳур, Ҳамза ва Сергели туманларида ҳам дастурларнинг бажарилиши, мавжуд муаммо ва камчиликлар, уларни бартараф қилиш йўллари ҳўсусида сўз борди.

Йиғилиш сўнгида «Она ва бола» дастурларининг бажарилишни талаб даражасига кўтариш, ушбу долзарб соҳага эътиборни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Жаҳонда

● Молдовада президент сайловлари бошланди. Унда сайловчиларнинг 70 фоизидан кўпроқ овозини тўтлаган коммунистлар раҳнамоси В. Воронин ғалаба қозонди.

● **Кеча** Бюкда Каспий денгизи муаммоси юзасидан Россия — Озарбайжон музокаралари бошланди.

● АҚШ Президенти Жорж Буш Пекин расмийларини Америка разведка самолёти экипажи аъзоларини зўдлик билан озод этишга қақирди. Маълумки, ушбу самолёт Хитой самолёти билан тўқнашиб кетгандан сўнғ ХХР ҳудудига қўнишга мажбур бўлган эди.

● **Кеча**дан бошлаб Америка маъмурларининг Россия фўкаролари АҚШ ҳудудини босиб ўзга мамлакатга ўтишлари учун албатта транзит визасини олишлари кераклиги ҳақидаги қарори кўнча кирди.

● **Кеча** НАТО иттифоқи кўчлари бош кўмондони Ж. Ролстан Грузияга ташриф билан келди. У бу ерда шу йилнинг июнь ойида ҳамкорликда ўтадиган ҳарбий машғулотлар юзасидан Грузия Президенти ва мудоффа вазири билан суҳбатлашди.

● **Эргага** Япония Бош вазири И. Мори Қурил ороллари кўздан кечиради.

● **Кеча** Ереванда 1999 йилнинг октябр ойида Арманистон парламентини босиб олиш режасини амалга оширишда қатнашган террорчилар устидан суд жараёни бошланди.

● **Бугўн** Москвада Ҳамдўстлик давлатларининг ҳарбий ҳамкорлигини мувофиқлаштирувчи штабда ўтаётган команда-штаб машқлари ақунланди. Унда Россия, Беларусь, Қирғизистон, Тожикистон, Қозогистон ва Арманистондан ҳарбийлар қатнашди.

● **Кеча** Иордан дарёсининг фарбий қирғоғида Исроил ва Фаластин ҳарбийлари ўртасида рўй берган қизгин отишмалар натижасида бир қатор қурбонлар ва жароҳатланган кишилар ҳўсбга олинди.

● **Кеча** Душанбе савдо марказларида бирида содир бўлган портлаш тўғрисида икки киши ҳалок бўлиб, ўнга яқин киши жароҳатланди.

● Югославия раҳбари Воислав Коштуница соби президент Слободан Миловешични Гаагадаги халқро трибуналга топширишига қарши ақнаглигини яна бир бор таъкидлади.

● Шу кўнларда Россия ва Беларусь иттифоқи Давлат котиби Павел Бородиннинг АҚШ қамқўхонасида Швейцарияга жўнатилиши қўтилмоқда, деб хабар бермоқда Рейтер агентлиги.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Дастурлар қандай бажарилмоқда?

**КЕЧА** Тошкент шаҳар ҳўқимлигида ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2001 йил 15 февралдаги «Она ва бола» давлат дастури ҳамда шаҳар ҳўқимининг шу йил 13 февралдаги 58-сонли «Она ва бола» ҳудудий дастурининг бажарилиши муҳокама қилинди. Йиғилишни шаҳар ҳўқимининг ўринбосари Эркин Эрназаров олиб борди.

Шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари М. Содиқова ушбу тизимда йилнинг биринчи чоғида «Она ва бола» Давлат ва ҳудудий дастурларининг бажарилиши борасида қилинган ишлар, ҳўсусан туғиш ёшидаги аёлларни текширувдан ўтказиш ва уларни соғломлаштириш, ёш келин-кўвдалар соғлиқларини текшириш, ногирон болаларни соғломлаштириш, хавфсиз эмлаш юмушлари қандай амалга оширилаётгани тўғрисида маълумот берди.

Шунингдек, Шайхонтоҳур, Ҳамза ва Сергели туманларида ҳам дастурларнинг бажарилиши, мавжуд муаммо ва камчиликлар, уларни бартараф қилиш йўллари ҳўсусида сўз борди.

Йиғилиш сўнгида «Она ва бола» дастурларининг бажарилишни талаб даражасига кўтариш, ушбу долзарб соҳага эътиборни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Қисқара

● **ТОШКЕНТДА** самарали фаолият олиб бораётган «Машҳура» фирмасига Германиянинг халқро «Тараққийёт» жамғармаси миллий ҳўнармандчилик ва маиший хизматга кўмаклашиш бўлими вакиллари ташриф буюриб ўзбек тикувчилари бажараётган ишлар билан яқиндан танишишди.

● **МИРЗО** Улуғбек туман ИИБ шахсий тарихи бошқармаси раиси ИИББ наشري бўлимиш «Огоҳ» газетасининг илк сони босмадан чиқди.

● **БУГЎН** МХСК стадионида «Олимпиада умидлари — 2001» спорт ўйинлари шаҳар босқичи беллашувлари тантанали очилди.

Уқитувчилар кенгаши билан ҳамкорликда пойтахт мактаблари уқитувчилари иштирокида ёшларнинг ҳўқуқий билиминини оширишнинг йўл-йўриқлари бағишланган анжуман ўтказилди.

● **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** 506-болалар боғчаси ходимлари кичкинтойлар иштирокида «Тил билган — эл билар» мавзусида тadbир ўтказилди

● **РЕСПУБЛИКАМИЗДА** чоп этилаётган газеталар сони яна биттага кўпайди. Тошкент шаҳар ИИББ наشري бўлимиш «Огоҳ» газетасининг илк сони босмадан чиқди.

● **БУГЎН** МХСК стадионида «Олимпиада умидлари — 2001» спорт ўйинлари шаҳар босқичи беллашувлари тантанали очилди.

САНОАТ

Роботлаштирилган участкага

«Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссадорлик жамияти трансмиссия ишлаб чиқариш корхонасининг роботлаштирилган участкаси янги русумли иккита дастгоҳга эга бўлди.

КЕЧА

улар муваффақиятли ишга туширилди.

ТАДБИРЛАР

Ахборот кўнлари

Республика болалар кутубхонаси янги адабиётлар билан бойиб бормоқда.

Бугўнги сонда


● Маънавият сарчашмаси

● Ҳўқматлар хазинасида

ТВ дастурлари

● Тўлин ой кучи

● ТВ дастурлари



МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАРИМИЗ

## ТЕМУРИЙЛАР МУЗЕЙИНИНГ ЯНГИ ЭКСПОНАТЛАРИ

Амир Темури таваллудининг 665 йиллигини нишонлаш арафасида Темурийлар тарихи давлат музейи коллекцияси янги экспонатлар билан бойиди. Музей жамгармаси раҳбари, илмий ходим Назира Охунбобоева бу ҳақда ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Бу ерда Гўри Амир мақбарасидан 1941 йилда М. Герасимов бошчилигидаги олимлар томонидан мақбара очилган пайтда олинган кийимлар намуналари илк бор намойиш этилади. Маълумки, Самарқанддаги археологик изланишлар қарийб уч йил давом этган. Топилмалар илмий тадқиқот мақсадларида узоқ йиллар Фанлар академиясининг Археология ва тарих институтида сақланиб келинган ва эндиликда улар жамоатчилик мулкига айланган.

Музейда илк бор кийим, мато, шойи белбоғ, хушбўй ўсимликлар — райхон ва ялпиз, Қуръон оятлари ёзилган кафан, Бибиҳонимнинг тақинчоқлари, Мироншоҳ қабридан олинган мунчоқ намуналари, шунингдек, Бибиҳоним қабридан олинган арабча ёзув битилган кафан намойиш этилади.

Берлиндаги Ислом маданияти музейи директори, доктор Ф. Эндерлайннинг совғаси музейимиз жамгармасининг қимматли мулкига айланган. У Ўзбекистон Республикасининг ГФРдаги элчихонаси орқали Мирзо Улугбекнинг (1394-1449) укаси Бойсункур Мирзога (1397-1433) тегишли кол-

лекциядан олинган 28 миниатюрадан иборат китобнинг нусхасини бериб юборган. Китоб саҳифаларини безаб турган ажойиб шарқона миниатюралар музейга ташриф буюрганларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Аҳмад ибн Арабшоҳнинг XVII асрда Голландияда араб тилида чоп этилган «Темури тарихи» китоби ҳам музейимизнинг янги экспонати ҳисобланади. Ушбу китоб Президент Ислом Каримовга швейцариялик коллекционер томонидан совға қилинган эди. Президентимиз китобни музейга туҳфа қилди. Китобга лотин тилида ёзилган сўзбоши ўша даврдаги европалик олимларнинг соҳибқирон ҳаётига бўлган катта қизиқишидан далолат беради.

Янги экспонатлар орасида 1999 йил Италияда чоп этилган «1403-1406 йилларда Самарқандга саёҳат» деб номланган китоб ҳам бор. Унинг муаллифи Кастилия қироллигининг соҳибқирон саройидаги элчиси Рюи Гонсалес де Клавихо ҳисобланади. У ўша пайтда тўрт ой мобайнида Трапезунддан Самарқандгача саёҳат қилган. Китобда Амир Темури ҳаёти ва унинг саройи ҳақида ноёб маълумотлар бор.

## Буюк бобомизга бағишланади

Бутун мамлакатимиз, унинг пойтахти Тошкент шаҳрида ҳам соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 665 йиллигини кенг нишонлаш юзасидан тадбирлар белгиланган.

Ушбу сана муносабати билан асосий тадбирлар Темурийлар тарихи давлат музейида ҳамда Амир Темури хибонада бўлиб ўтади. Хусусан, саркарда номи билан аталувчи махсус жамгарма томонидан «Амир Темури — буюк давлат арбоби ва саркарда» мавзуида музейда илмий-амалий конференция ўтказилади. 9 апрелда бўлиб ўтадиган ушбу анжуманда хоржий давлатлар вакиллари — temuрийшунос олимларнинг иштирок этиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Амир Темури таваллудига бағиш-

лаб Халқ таълими, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари маданият ишлари бош бошқармаси билан биргаликда барча ўқув юртусун, саркарда номи билан аталувчи махсус жамгарма томонидан очик дарслар, кечалар, олим ва адабиётшунослар билан учрашувлар ҳамда соҳибқирон номи билан боғлиқ жойлар бўйлаб сайиллар ўтказилади. Шунингдек пойтахтдаги ҳар бир кутубхонада буюк давлат арбоби ва Темурийлар авлоди тарихига оид китоблар кўргазмаси очилади.

«Тошкенткиновидео» акционерлик жамияти ҳам шаҳар

кинотеатрларида шу мавзуда фильмлар туркумини намойиш этишни режалаштирган.

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Бадий академиясида эса ушбу санага бағишлаб кўргазма ташкил қилиш бўйича ижодий жараён кетмоқда. Саралаб олинган санъат асарларидан «Буюк соҳибқирон сиймоси ўзбек рассомлари ижодида» деб тuzилган кўргазма тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари учун 9 апрел куни Бадий академиянинг Марказий кўргазмалар залида очилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги хузуридаги Матбуот хизмати

## Сўранг, жавоб берамиз



Қорақалпоғистон Республикаси фуқаросиман. Бирок Юнусобод туманида вақтинча рўйхатда турганман. Яқинда паспортимни йўқотиб қўйдим. Уйимга қайта олмаяман. Нима қилишим керак?

А.Жуманазаров

Агар сиз вақтинча муддатда рўйхатда турган бўлсангиз, шу муддат ўтиб кетмаган бўлса, паспорт тизими ички тартиб-қоидаларига кўра сиз Юнусобод тумани ИИБ бошлиғи номига паспортингизни йўқотиб қўйганлигингиз ҳақида ариза ёзасиз. Туман паспорт столи сизга ҳақиқатдан ҳам вақтинча (қанча муддатга) рўйхатда турганлигингиз тўғрисида маълумотнома беради. Шу маълумотнома билан ўзингиз доимий яшаб турган туманга бориб, йўқолган паспортингизни ўрнига (дубликат) янги паспорт олишингиз мумкин.

Турмуш ўртоғим билан ажрашганимга 15 йил бўлди. Улар билан саккиз йил бирга яшаб икки ўғил, бир қизли бўлдик. Уша пайтда ота-онанинг ёрдамида қўп қаватли уйга чиқиб кетганман. Ҳозир эрим иккинчи хотини билан қайнотамдан қолган участкада яшайпти. Менинг эса иккинчи ўғлимни уйлаштиришга жой йўқ. Кичик ўғлимни эримнинг участкасига уйлаштиришга ҳақлимани?

А.Рихсиева.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 25-моддаси «Эр ва хотиннинг ҳар бирининг мулки» деб номланади ва «Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳалда, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади» деб белгилаб қўйилган. Демак, эрингизнинг отасидан қолган ҳовлиси сизларнинг умумий мулкингиз ҳисобланмайди. Умумий мулк бўлиш учун кодекснинг 23-моддасида белгилаб қўйилганидек «Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклар хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклар, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади», дейилган. Агарда уй умумий мулк ҳисобланган тақдирда ҳам сизнинг эрингиз билан қонуний ажрашганлигингизга 15 йил бўлибди. Кодекснинг 27-моддасининг 9-қисмида «Никоҳдан ажралган эр ва хотиннинг умумий мол-мулки бўлиш тўғрисидаги талабларига нисбатан уч йиллик даъво муддати қўлланилади» дейилган. Демак, умумий мулкни бўлишга қилиниши лозим бўлган муддат ўтиб кетган бўлади. Сиз ўлгингизни ушбу ҳовлига уйлаштиришга ҳаққингиз йўқ.

Янги телевизор сотиб олмақчи эдим. Иятимос, бунда биринчи навбатда нималарга эътибор бериш кераклиги тўғрисида маълумот берсангиз.

Ш.Исломов

Телевизор узоқ вақт ишончли хизмат қилиши учун таниқли русумдаги маҳсулотларни танлаганингиз маъқул. Бунда аниқ тасвир, рангларнинг тўғри баланси ва табиий узатилишига аҳамият қаратиш керак. Тасвирни эски фильмлар эмас, бевосита кўрсатувлар орқали баҳолаш тўғри бўлади. Овозни ҳам энг баян даражага кўтарган ҳолда текшириш мумкин. Бунда овоз табиийлиги бузилмаса танлаган телевизорнинг яхши бўлади.

Жамоат транспортда уй ҳайвонларини олиб юриш мумкинми?

М.Қосимов

Жамоат транспортларида ҳайвонларни олиб юриш қоидалари ўша транспорт воситасига қарашли автоважламна ички тартиб-қоидаларида белгилаб қўйилади. Итларни олиб юришда итлар махсус табиий кўрикдан ўтказилган бўлиши ва оғзига махсус мослама (қоплама) қўйилган бўлиши зарур. Узоқ йўللарга кетишда итларни олиб юриш махсус жиҳозланган жамоат транспортларида амалга оширилади.

Жавоблар Республика ҳуқуқий-маърифий тарғибот марказининг бўлим бошлиғи Меҳри БОЛЛИЕВА ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган саволлар юзасидан 133-99-42 телефонига қўнғироқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб қайтаришга ҳаракат қиламиз.



Болагинамнинг боласи — қантак ўрикнинг донаси...

Шарқ дурдоналари

# ОЗ-ОЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУВ...

- Одамнинг одамлиги умид билан. Умидсиз одам — бир қоп эт. Умид парвозга шайланган лочин, умидсизлик — оёққа боғланган тош.
- Ариқнинг ариқлиги сув билан, сувсиз ариқ — ташландиқ чуқур.
- Эл бир кафтдан берса тўйдиради, бир муштан урса ўлдиради.
- Тўйга кирганинг олдига кимлигини сўрамаса ҳам ош тортишади. Умид билан кирган одам бенасиб қолмайди.
- Тегирмонга кирганинг кипригига гард илашади.
- Шалоланинг ёнидан ўтган зарралардан баҳра олади.

**Ҳикоят:** ёши бир жойни қоралаб қолган отахон даштга чиқиб қўчат экан. Уша чоғ от миниб олган бир бойвачча ўтиб қолибди. У чолнинг ёшини сўраб: «Тўксондан ошибсиз, бир оёгингиз тўрда, бир оёгингиз гўрда бўлса нима қиласиз бунақа уриниб. Ундан кўра тинггина ўлтирсангиз бўлмайди» дебди. Шунда чол унинг дилини ранжитмай «Умидли дунё болам», деб қўя қолибди.

Чолнинг бу гапини қурумсоқлик, дунёга тўймаслик деб тушунган бояги бойвачча ўйламасдан: «Сиз шунинг мевасидан есангиз, менинг хотиним талоқ бўлсин», деб оғзига сўз олиб қўйибди. Бу гап чолнинг қулоғига етса ҳам индамабди. Лекин ичида ҳамсуҳбатининг енгилтаклигига афсус қилибди.

Орадан йиллар ўтибди. Ниҳоллар катта бўлиб ҳосилга кириб, соя-салқин боққа айланибди. Ёз кунларининг бирида бояги бойваччанинг йўли шу томонга тушиб чанқовини қондириш учун боғ эгасини қақирга, бир пиёла сув сўрабди. Шунда бир мўйсафид чиқиб, бойваччани ичкарига таклиф қилиб, олдига баркаш-баркаш нознеъматлар — олмаю узум, шафтолино ноклар қўйибди. Аммо ўзи эса нима учундир бу неъматлардан оғзига бир дона ҳам солиб татиб кўрмабди. Бундан ҳайрон бўлган меҳмон бунинг сабабини сўраган экан, шунда чол:

— Бу боғларни мен фақат ўзим учун эмас, ўтган-кетганларнинг оғзи тегсин, деб обод қилганман, ўғлим. Лекин ўзим шу чоққача унинг мазасини тотиб кўрганимча йўқ, — дебди.

Бойвачча ҳайрон қолиб, сабабини сўраган экан ота: — Мен бу меваларни есам, сизнинг хотинингиз талоқ бўлиб қолади, — дебди.

Бойвачча йигит чолни танибди. Ўзининг енгилтаклиги, умидсизлик билан яшашининг нақадар ёмон эканлигидан хижолат чекиб пешонасига урибди.

Байт:

**Орзу — дараларда кезгучи оху,  
Умид етаклабди тоғлар бошига.  
Машаққатга чидаб демасанг ё ху...  
Асло етиб бўлмас унинг қошига.**

• Камтарлик — кишига зебу зийнатдир. Кимки содаликда, ўзини тута билишда, кишиларга хурмат, иззат кўрсатишда, покизалик ва қаноат бобида юсак ахлоқийлик кўрсатса, у одам камтариндир. Бундай фазилатли кишиларга ҳамма эргашади ва тавозе қилади.

• Мартабанг баланд бўлишини тиласанг, камтар бўл. Барчани ўз ҳимматингдан баҳраманд эт. Биласанку уруғ олдин тупроққа аралашиб, сўнг осмону фалакка бўй чўзади.

• Ҳар бир ишни тантанабозлик билан бошлама, унинг хотимаси яхши бўлса шоду хуррамлик ва тантана қочмайди.

• Бир донишманд ўғлига насиҳат қилиб айтибди: — Дунё кезиб яхши-ёмонни кўриб, илм-фанларни билиб олганда ҳам доно: «Мен илмда зўрман», деб керилмайди, мақтанчоқлик нодонларга хос одатдир. Дононинг зийнати — камтарлик, нодоннинг иллоти — манманлик. Зағизғон қуш ҳар қанча баланд учгани билан лочин бўлмайди, зеро олтин коса сингани билан баҳоси каммайди.

**Ҳикоят:** Сойда ўсган тик қамиш олтин бугдойзорга қараб гап қотди:

— Ҳой, бошоқ, ўзинг тилладек ярқироқсану, нега энди бosh эгиб турасан?

— Хизматдаман, — деди олтин бошоқ. — Бошимда эл дони бор. Ким нимага қодирлиги кузда билинади, дўстим.

Куз келиб одамлар бошоқдан нон тайёрлаб кўзга суртдилар, қаққайган қамишдан бўйра ясадилар.

Байт:

**Димоғингни кўтарма, бўлмайин десанг оёқ ости,  
Қамиш кеккайгани учун бўйра бўлдию, ҳамма босди.**

## Тошкентда бўлиб ўтади



### ТОШКЕНТ САВДО- САНОАТ ЯРМАРКАСИ

25 - 28  
апрел  
кунлари

«ЎЗКЎРГАЗМАСАВАО» (Беруний метро бекати)

Ташкилотчилар — Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси, Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси,

Ярмарканинг таяёрланиши ва ўтказилишини Тошкент Халқаро Бизнес Маркази таъминлайди

Кўп тармоқли кўرғазма-ярмаркада Ўзбекистоннинг барча вилоят ва шаҳарларидаги, узоқ ва яқин хорижий давлатларидаги турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар, шунингдек чет эл фирмалари иштирок этишлари мумкин

Ярмаркада саноат жиҳозлари, халқ истеъмоли моллари, ишлаб чиқариш воситалари, истиқболли технологиялар, инвестиция лойиҳалари, бўш ишлаб чиқариш майдонлари тўғрисидаги маълумотлар, халқ ҳунармандчилиги буюмлари қўйилиши мўлжалланмоқда.

Ярмаркага барча манфаатдор тузилмалар, юридик ва jisмоний шахслар, унда намойиш этиладиган маҳсулотлар билан танишиш учун таклиф этилади. Ярмаркада иштирок этиш хоҳишини билдирганлар, ярмарка Дирекциясига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишлари мумкин: 998(71) 152-6458, 152-6462, 152-6463, факс — 998(71) 152-6461

**БЕШИНЧИ ТОШКЕНТ САВДО-САНОАТ  
ЯРМАРКАСИДА СИЗГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!**

### «Муштарий»

аудиторлик фирмаси

барча турдаги аудит хизматларини таклиф  
ЭТАДИ

— Аудит кўриги  
— Солиқ тўловлари бўйича маслаҳатлар  
— Бухгалтерия ҳисоботларини тиклаш  
— Текширув натижаларига хулоса берилади

Лицензия № 00014. 2001 йилда ЎЗР М.В.

томонидан берилган

Тел: 78-97-41, 185-59-55.

Самарқандда: (8-3662) 22-96-21, 38-64-15

### Диққат, назорат!

Корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича худудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ноқонуний текширишлар ўтказиш ҳолатлари рўй берса, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57

• Торт пишираман ва ўргатаман. Т: 169-41-37.

• Акмал Икромов туманидаги «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятига ер муносабатлари кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси томонидан 1996 йил 24 майда 1435669988-рақам билан берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

• Яккасарой тумани ҳокимлиги томонидан Баҳром Бахтиёрович Убайдуллаев номига 2000 йилнинг 29 июлида сотувчилик ҳуқуқини берадиган № 1104983-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТАДБИРЛАР

# Маҳалладошлар севинчи

Миробод туманидаги Имом ат Термизий номи маҳаллада ўтказилган тадбирга маҳаллада истикомат қилувчи урам ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган oilалар, ноғиронлар тақдир этилди.

кўрсатган маданият ходими Ф.Жураев сузга чиқиб; Истиқлол туйфайли кайта тикланган миллий қариятларимиз, аънаъларимиз тўғрисида гапирди. Тўкин дастурхон атрофида йиғилган меҳмонларга баҳорий таомлар, Н.Қоръеметлар ҳамда ош тортиди. М.Қоръеметлар ҳамда ош тортиди. М.Қоръеметлар ҳамда ош тортиди.

лат филармониясининг таниқли хонандалари ижро этган куй-қўшиқлар, дилрабо рақслар даврга яна ҳам фойда бағишлади.

— Маҳалламизда ҳар йили баҳор фаслида катта хашарлар уюштириб, ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари кенг миқёсда олиб борилади.— дейди маҳалла оқсоқоли Бахтиёр Эргашев.— Маҳалла аҳлига меҳр-муруват курсатилиб, ёрдамга муҳтож қариялар, бемор-

лар, кам таъминланган oilалар хондан хабар олинади, ёрдам курсатилади. Ҳа, савоб ишни ҳар кун, ҳар ким қилиши керак, деб бежиз айтилмаган. Бундай хайрли ва савоб ишларидан маҳалламизнинг жонқуяр ва фидойилари О.Қосимов, Н.Аббасов, А.Аҳмедов, маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси М.Умаров ва сингари фаолларимиз доимо бош-қош бўлиб келмоқдалар.

Дилором ИКРОМОВА

## ШАНБАДАН ШАНБАГЧА: МУНАЖЖИМ ТАВСИЯЛАРИ

● 7 апрель — шанба (Ойнинг 14/15 кунли). Тулин ойнинг инсон танасига таъсири кучли бўлади. Ҳиссийатлар жўш урадиган кун. Шунинг учун уларни жилвовай билиш керак. Уз-ўзингизни тийиб, хоҳиш-истакларда меъёрдан чиқмасликка қатъий риоя этиш керак. Ортиқча куч-ғайратларингизни спортнинг серхаракат турлари билан шуғулланишга сарфлашингиз мумкин.

Буйрақлар бир мунча ноziкласади, уларга ортиқча оғирлик туширмасликка интилинг. Қант хасталиги, ошқозон ости беzi касаллиги билан ogриган беморлар айниқса эҳтиёт бўлганлари маъқул. Ортиқча суюқлик истеъмол қилмай, спиртли ичимликлардан тийилиш керак. Пластик ва косметик операциялар, тиш ва қўлқопларни доволатиш самарали бўлади.

● 8 апрель — якшанба (Ойнинг 15/16 кунли). Мазкур кеча-кундузда Ой сайёрасининг таъсири табиат билан уйғунлик ва осойишта мувозанат келтиради. Кунни хотиржам, ортиқча уринчоқликка йўл

мумкин. Буйрақлар ишнни енгиллатиш учун гўшти ва шўр таомларни камроқ истеъмол қилиш керак. Тери хасталиқларини ҳаммомнинг буғхонаси ва ванна қабул қилиш билан доволанг. Массаж қабул қилиб, кетидан зайтун ёки кокос ёғи билан яхшилаб уқалаш ҳам фойда беради.

● 11 апрель — чоршанба (Ойнинг 18 кунли). Ой сайёраси шу кеча Уқтар буржида бўлади. Бу эса упка касалликларини доволашга қўлай шароит яратди. Ҳар қандай нафас олиш машқлари фойдали бўлади. Уқтар буржи таъсири биринчи навбатда бел, тос суяклар, думгаза қисмлариди тос суяклариди. Қўлғина тиззадан юқоридан белгача ogриқ пайдо бўлади. Об-хавонинг тез-тез ўзгариши, яъни беқарорлиги бунга сабаб бўлади. Узингизни эҳтиёт қилиб, тавсияларга риоя қилиш кунни яхши ўтказишингизга ёрдам беради.

Бугунги кунни кўпроқ биноларда, елвизакдан ogиқ бўлиб, иссиқ-

## БЎШ ВАКТИНГИЗДА

# Криптограмма

Ушбу криптограммани тўғри хал этсангиз, буюк бобоклонимиз Амир Темурнинг ишбилармонлик ҳақидаги доно ўғитларидан бири келиб чиқади.


### Очқич сўзлар:

- 1.Билм ва бой тажрибага эга ишбилармон — 12,5,25,10,19,2,3,23,2.
- 2.Молия активларининг самарали йғимини белгилаш — 13,23,18,19,12,23,2,19,18,20.
- 3.Польша пул бирлиги — 14,8,23,12,19,24.
- 4.Хатти-ҳаракати ёқимли, шун

1. Табиат — 22,17,6,12,5,1,10.
2. Гумашта, савдо фирмаси молларини фирма намуналари ва рўйхати бўйича ўтказиш мақсадида харидорларни жалб қилувчи — 3,23,13,13,19,15,23,11,9,4,2.
3. Устига фойда қўйиладиган қарз — 16,5,2,14 — 21,5,7,5,18,5.

Сўзларни топиб бўлгандан сўнг, рақамларни белгиланган ҳарфлар билан алмаштирсангиз мақсадга эришасиз.

Тузувчи Шавкат ХИДОЯТОВ



## Газетанинг 30 март сонида чиққан бошқотирманинг жавоблари:

- Диагональ бўйича ўннга:** 1. Ақиқ. 2. «Анор». 3. Асал. 4. Амур. 5. Арпа. 6. Азот. 7. Арис. 8. Алёр. 9. Амал. 10. Атом. 11. Айқ. 12. Асар. 13. Абак. 14. Адат. 15. Азов. 16. Асил. 17. Адиб.
- Диагональ бўйича чапга:** 1. Алаф. 2. Анод. 3. Азиз. 4. Абай. 5. Авар. 6. Ажам. 7. Алоҳ. 8. Айил. 9. Алиф. 10. Ария. 11. Асос. 12. Асад. 13. Аруз. 14. Ачра. 15. Азон. 16. Ариқ. 17. Айёб.

### Муаммонома

**Очқич сўзлар:** 1. Байроқ. 2. Фаввора. 3. Кимё. 4. Судан. 5. Пешин. 6. Қалъа. 7. Тонг.

**Ҳикмат:** Илмдан бир шуъла дилига тушган он, Шунда билурсанки илм бепоеён.

Муаллифи: Абулқосим ФИРДАВСИЙ

## Ҳангалар

Эр жаҳл билан хотинига деди: — Болаларидан бири чўнтагимдан икки рупия пулимни олибди. — Вой даласи, нега болаларимни айблайсиз? Нега мени олди деб уйламайсиз? — Чўнтагимда 20 рупия пул бор эди. Шундан атиги икки рупия йўқ халос.

Асаб касалига дучор бўлган бир хушйўр аёлга врач бир қанча дори-дармон берибди-да, ҳар ҳафта келиб туришини буoirибди.

Бироқ у аёл келмабди. Врач унга кўнгирак қилиб, нега бедарак бўлиб кетганини сўрабди:

— Жигингизга тегадиган шилк-илмлардан ўзингизни тортиб юринг деган эдингиз-ку! — дебди аёл.

Табиб: Гўшт, туҳум, қаймоқ каби кучли овқатлар ема.

Бемор: Менинг мейдама эмас, оёғим ogрияпти-ку?

Табиб: Тўғри, лекин мен айтганимдек қилсанг, анча пулинг тежалди ва муолажа ҳақини бемалол тўлайсан.

Мирзаамир МИРЗАШАРИПОВ

# Яхши кайфият ҳамроҳингиз бўлсин

қўямасдан, бировлар тинчини бузмай ўтказишга ҳаракат қилинг. Атрофдаги тинчлиқни шовқин-сурон, дағал ҳаракатлар билан буза қўрманг. Табиат бундай хатти-ҳаракатларни кеңирмайди ва бунинг асоратидан пушаймон бўлишингиз мумкин.

Хамма нарсада — иш ва дам олиш, овқатланишда меъёрга амал қилсангиз, кайфиятигиз чоғ, ишларингиз «беш» бўлади. Яқин кишиларингиз, дўстларингизнинг кўнглини олиш, уларга бирон-бир яхшилик қилишингиз пайида бўлинг.

Канчалик ёқимли ва ҳақиқатга яқин туюлмасин — тушларингиз ўнгидан келмайди. Уларга эътибор қилмаганингиз маъқул.

● 9 апрель — душанба (Ойнинг 16/17 кунли). Ойлада муҳаббатли кунлардан бири. Фарзандлар ҳақида, келгуси насллар ҳақида уйлаш, уларга меҳр-муруват курсатиш, гаф-хўрликларни намойиш этиш гўдақлар кайфиятини кўтарди. Отра-оша ва фарзандлар ўртасида меҳр-оқибатли муҳитнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Аччиқ, шўр таомлардан тийилиш тавсия этилади. Бавосил хасталиги хуруж қилиши, қабзият пайдо бўлиши мумкин. Эндокрин тизими, томоқ, нафас йўллари, тумов, хасталиқларини доволаш самарали бўлади. Ут пуфга, ички моддалар алмашинуви тизими, йўғон ичак, пешоб йўллари, буйрақларда жарроҳлик аралишувларига бугунча йўл қўйиб бўлади.

Тушларингиз башоратли бўлиб, ҳақиқий истеъдодингиздан, ҳаётдаги энг муҳим бурчингиздан дарак бериши мумкин.

● 10 апрель — сешанба (Ойнинг 17/18 кунли). Ушбу кеча-кундузда Ой сайёрасининг таъсири одами танбалликка, бошқалар иродасига бўйсунмишга мойил қилади. Атроф оламга объектив караш тўғрисида ривожланиш, беҳуда эхтирослардан халос бўлиб, ўзингизга ташқаридан туриб назар солишни ўрганишингиз керак. Кеңаси камроқ уқалаш тавсия этилади. Акс ҳолда уйқудан ҳаммаёғингиз ogриб, кайфиятигиз тушиб кетган ҳолда уйғонishingиз мумкин.

Бугун буйрақлар ноziкласлиб, тери хасталиқлари хуруж қилиши

роқ ўраниб ўтказган маъқул. Турли шамоллашлардан болаларни ҳам эҳтиёт қилинг.

● 12 апрель — пайшанба (Ойнинг 18/19 кунли). Мазкур кеча-кундуздаги Ой сайёрасининг одамлар онига таъсири салбий бўлади. Ҳазин туйғуларга, нохуш хотираларга берилган ҳар қандай одам шу кунни ўзини йўқотиб қўйиши ҳеч гапмас.

Бугунги кунни дуолар ўқиш, яхши китобларни мутолаа қилиш, ёқимли мусиқалар тинглаш билан ўтказиш нохушлиқлардан холи бўлишга олиб келади.

Ошқозон-ичак йўли ноziкласлиб, хасталиқларга мойил бўлади. Шунинг учун таомлар тановулида меъёрга риоя қилинг, ўткир ва аччиқ таомларни истеъмол қилишдан тийилинг, спиртли ичимликлар, кофе-дани ўзингизни тортинг.

Кўрган тушларингизни эслаб қилиб, уларни яхшилаб таҳлил этишга ҳаракат қилинг. Зеро, улар ҳаётингиздаги тўғри ва нотўғри амалларингиздан сизни ogиҳантиради.

● 13 апрель — жума (Ойнинг 19/20 кунли). Бугунги куннинг рамази бургут бўлиб, у инсонни маънавий юксалишига даъват этади. Билм олиш, уни тақомиллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар яхши самара беради. Бугунги кун шунингдек, ҳеч иккиланмай қарорлар қабул қилиш ва қатъий қарарлар айтиш мудоао бўладиган кундир. Кунни руза тутиб ўтказиш маънавий покликнишга ёрдам берувчи омил бўлади. Жисмоний ишларга қаттиқ берилиш тавсия этилмайди. Кўп куч-ғайрат талаб қиладиган ҳар қандай машғулотдан ўзингизни тортинг — бугун ортиқча фаолликка ҳожаат йўқ.

Тишларни доволаш, олдириш, сунъийларини қўйдириш тавсия этилмайди. Ошқозон ва ичаклардаги яралар яллиғланишларини доволаш яхши натижа беради. Нафас олиш машқлари ҳам рўхнингизни енгиллатишади.

Тушларингиз пўч бўлади. Фақат эрта тонгда қўрилган тушларга эътибор қилинг — уларда ҳақиқат бўлиши мумкин.

**Муассис:**  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Буюртма Г-2307.

**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Магбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

ҳатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39;  
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳоким — 2 босма тўлов, оғеът усулда босилади. Қўноғи бичим А-3

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан ўнбатчи олинган

Нашри етказиб бериш мисаллари бўйича турар жойларга почта бўлиқларига ёки «Тошкент почтачига» — 133-74-05 телефонга муружаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент ogишми»нинг компьютер марказида терилиди ва сақланади.

«Шарк» нашриёт-матбос ақциядорлик компанияси босмаханонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўро» кўчаси, 41-уй.

Тошкент шаҳар ИИББ  
Матбуот маркази